



## ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ ДЕПАРТАМЕНТИ МИНТАҚАВИЙ МУВОФИҚЛАШТИРИШ МАРКАЗЛАРИ – МУҲИМ ИНСТИТУЦИОНАЛ МЕХАНИЗМ

**Улуғбек Қобилов**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жазони ижро этиш департаменти бўлим  
бошлиғи, доцент, мустақил изланувчи*

*Мақолада жазони ижро этиш департаменти тизимидаги минтақавий мувофиқлаштириш марказлари фаолияти таҳлил қилинган, ушбу таркибий тuzилманинг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ёритилган.*

*Минтақавий мувофиқлаштириш марказларини координацион вазифалари доирасида ўзаро ҳамкорлик, буйсинувидаги муассасалар фаолияти самарадорлигини баҳолаш жиҳатларига эътибор қаратиш зарурлиги кўрсатиб ўтилган.*

**Таянч сўзлар:** *мувофиқлаштириш, координация, марказлар функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, муассасалар фаолияти самарадорлигини баҳолаш*

## РЕГИОНАЛЬНЫЕ КООРДИНАЦИОННЫЕ ЦЕНТРЫ ДЕПАРТАМЕНТА ИСПОЛНЕНИЯ НАКАЗАНИЯ – ВАЖНЫЙ ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЙ МЕХАНИЗМ

*В статье проанализирована деятельность региональных координационных центров в системе Департамента исполнения наказаний, выделены основные задачи, функции, права и обязанности данной структурной структуры.*

*Отмечена необходимость обратить внимание на аспекты взаимного сотрудничества и оценки эффективности учреждений в рамках координационных задач региональных центров.*

**Ключевые слова:** *координация, функции, права и обязанности координационных центров, оценка эффективности учреждений.*

## REGIONAL COORDINATION CENTERS OF THE DEPARTMENT OF EXECUTION OF PUNISHMENTS – AN IMPORTANT INSTITUTIONAL MECHANISM

*The article analyzes the activities of regional coordination centers in the system of the Department of Execution of Punishments, highlights the main tasks, functions, rights and responsibilities of this structural structure.*

*The need to pay attention to aspects of mutual cooperation and assessment of the effectiveness of institutions within the framework of the coordination tasks of regional centers was noted.*



*Key words: coordination, functions, rights and responsibilities of coordination centers, evaluation of the effectiveness of institutions.*

Сўнгги йилларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жинойтчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қўйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари яратилиб, соҳага татбиқ этилмоқда.

Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жинойтчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратadbирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сонли Фармони ички ишлар вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш орқали турдош соҳавий хизматлар фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини жорий этишни назарда тутиб тарихий аҳамият касб этди [1]. Ушбу дастуруламал ҳужжатга асосан жазони ижро этиш департаменти тизимида унинг таркибий тузилмалари фаолиятини самарали йўлга қўйиш ва уларда кунлик назоратни олиб бориш мақсадида мамлакатимизда 6 та минтақавий мувофиқлаштириш марказлари ташкил этилиши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5050-сон қарори билан «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти тўғрисида»ги Низом тасдиқланди [2].

Ушбу Низомга кўра, ички ишлар органларининг жазони ижро этиш тизимида Жазони ижро этиш департамент, минтақавий мувофиқлаштириш марказлар, жазони ижро этиш колониялари, тарбия колонияси, тергов ҳибсхоналари, маҳкумлар учун ихтисослашган касалхона, тезкор ҳаракатлар отряди, марказий омборхона киритилди.

Департамент ички ишлар органларининг жазони ижро этиш тизими учун ягона бошқарув фаолиятини, минтақавий мувофиқлаштириш Марказлари эса, ички ишлар органлари тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларининг фаолиятини ташкил этиш ва кунлик назоратини олиб бориш борасидаги ишларни амалга ошириши белгилаб қўйилди.

Минтақавий мувофиқлаштириш марказлари тўғрисида сўз юритилганда албатта «мувофиқлаштириш» сўзи луғавий маъноси ҳақида тўхтаб ўтиш ўринли. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «мувофиқлаштириш» сўзи ўрнида «координация» сўзига изоҳ берилган, унга кўра «координация» (лот. со –



ҳамкорлик ва ordinato – тартибга солиш) деганда иш, фаолиятни бир бирига мувофиқлаштириш, уйғунлаштириш тушунилади [3]. Шу асосда минтақавий мувофиқлаштириш марказларининг жазони ижро этиш колониялари ва тергов ҳибсхоналарининг фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Шу жиҳатдан тизим муассасалари ишлаб чиқариш фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш, молиявий аҳволи ва иш самарадорлигини баҳолаш имкониятига эга бўлган “KPI” (Key Performance Indicator) “Энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари” дастури ишга туширилди. Бу орқали ишлаб чиқариш корхоналарида хом ашё ва материалларнинг киришидан тортиб тайёр маҳсулот сифатида чиқиб кетгунига қадар онлайн тарзда назорат қилиш имконияти яратилди. Мазкур тизим ҳозирда, Тошкент вилоятидаги 14 та муассасаларда, Қашқадарё вилоятида 7 та муассасаларда, Самарқанд ва Жиззах вилоятларида 2 тадан, Сирдарё ва Наманган вилоятларида 1 тадан колонияларда жорий қилинган.

Низомда Минтақавий мувофиқлаштириш марказларининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

жазони ижро этиш колониялари ва тергов ҳибсхоналарининг фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш, моддий-техник, молиявий ва ижтимоий-маиший жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш, уларни комплекс текшириш ва назорат қилиш, амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш, шу жумладан иш натижадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

жазони ижро этиш муассасаларида жиноий жазоларни ижро этиш ва тергов ҳибсхоналарида қамоққа олинган шахсларни сақлашни мувофиқлаштириш;

маҳкумлар ва қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ҳамда мажбуриятларини адо этишни ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш;

жазони ижро этиш муассасаларининг маҳкумларни тарбиялаш, уларга касб-ҳунар ўргатиш, психологик, ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда ахлоқан тузалишини таъминлаш борасидаги фаолиятни ташкил этиш.

Марказларнинг мазкур вазифаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги функцияларни амалга ошириши белгиланган:

Жисмоний, юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва иш юритиш соҳасида:

барча шаклдаги мурожаатларни ўз вақтида қабул қилиш, рўйхатга олиш, кўриб чиқилишини таъминлаш, уларнинг ягона электрон ахборот базасини юритиш, мурожаатларда келтирилган вазиларнинг муҳимлигидан келиб чиқиб, уларнинг назорат муддатини белгилаш;



Марказ ва бўйсунувидаги муассасаларга келиб тушган мурожаат муаллифларига белгиланган муддатларда асослантирилган жавоб хатлари юборилиши ҳолатини ўрганиш ва назорат қилиб бориш;

муурожаатлар билан ишлашда жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисидаги қонунчилик талаблари бажарилиши мониторинги ва назоратини амалга ошириш;

Марказ раҳбарияти томонидан жисмоний ва юридик шахсларни муурожаатлари бўйича шахсий ва сайёр қабуллар ташкил этиш келиб тушаётган муурожаатлар бўйича тезкор чора-тадбирларни кўриш орқали назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

ҳар ой якуни бўйича келиб тушган муурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш, ҳисобот ва ахборот-таҳлилий маълумотномаларни тайёрлаш, соҳада аниқланган камчиликларга имкон яратувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

Марказ раҳбари томонидан имзоланган идоравий ҳужжатларни, йиғилиш баённомаларини рўйхатга олиш, расмийлаштириш, кўпайтириш ва тарқатиш;

келиб тушаётган ички ёзишмаларни қабул қилиш, рўйхатга ва ҳисобга олиш, тегишлилиги бўйича тақсимлаш ҳамда ташқи ёзишмаларни қабул қилиш ва жўнатиш;

тезкор ички идоравий ҳужжатлар ва электрон ҳужжатлар алмашинувига амал қилинишини ташкил қилиш;

иш юритиш бўйича бўйсунувидаги муассасалар ходимларига йўриқнома ўтказиш, иш юритиш масалалари бўйича ўқишни ташкил этиш;

бўйсунувидаги муассасаларда иш юритишга методик раҳбарликни ва махфийлик тартибига риоя этилиши назоратини амалга ошириш;

иш юритуви бўйича яқунланган ҳужжатларни қабул қилиш, ҳисобга олиш ва сақлашни таъминлаш, жорий архивни шакллантириш;

қўйи бўғинларга ижрога юбориш учун идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нусхаларини тайёрлаш;

режалаштириш, назорат қилиш ва ахборот таҳлил фаолиятининг ягона тизимини белгилаш, ташкил этиш;

иш юритиш тартибини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Бўйсунувидаги муассасаларнинг фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларни комплекс текшириш ва назорат қилиш, амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш, шу жумладан иш натижадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш соҳасида:

жиноий жазони ижро этиш ва қамоқда сақлаш фаолиятини ташкил этиш ва таъминлаш бўйича услубий материалларни ишлаб чиқиш;

ахборот-таҳлилий ишларни ташкил этиш, бўйсунувидаги муассасаларнинг фаолиятини режалаштириш ва прогноз қилиш;



Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисмлари ва бошқа Қуролли Кучлар тузилмалари билан ҳамкорликда тезкор вазият мураккаблашган ҳолатларда ҳаракатланиш бўйича назарий ва амалий ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш;

бўйсунувидаги муассасаларни Ўзбекистон Республикасида жазони ўташ ҳамда афв этишни амалга ошириш тартиби ва шартлари билан танишиш учун ахборот стендлари ва худди шу мақсадлардаги техник воситалар билан жиҳозланишини ташкиллаштириш;

жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналарида тезкор қидирув фаолиятининг самарадорлигини тизимли равишда таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш бўйича чораларни кўриш;

жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналарига тақиқланган предметларнинг кириб келиш йўллари аниқлаш ва бартараф этиш;

бўйсунувидаги муассасаларда қамоққа олинган шахслар ва маҳкумлар ўртасида жиноятчилик ва тартиббузарликнинг динамикасини таҳлил қилиш ҳамда жиноят ва тартиббузарлик содир этишга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф қилиш ва профилактика чораларини кўриш;

маҳкумлар ва қамоққа олинган шахсларнинг қочиши, шунингдек манзил-колониялар худудини ўзбошимчалик билан тарк этган маҳкумларни қидириш ва ушлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

бўйсунувидаги муассасаларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш каби функциялар.

Юридик таъминлаш ва қонун устуворлиги соҳасида:

қонун бузилишларини, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан таклифлар киритиш ва ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шартномалар ва юридик тусдаги бошқа ҳужжатлар қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга таъсир этадиган қарорлар юзасидан ҳуқуқий экспертиза ўтказиш;

Марказ ва бўйсунувидаги муассасаларда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини, ушбу соҳадаги ҳужжатларнинг қонунчиликка мувофиқлигини таъминлаш;

қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш аҳволи юзасидан ҳисоботларни кўриб чиқиш;



тизимли равишда Марказ ва бўйсунувидаги муассасаларнинг тегишли соҳа фаолиятидаги амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг уларда коррупцияга сабаб бўладиган омилларни аниқлашга қаратилган таҳлилни ўтказиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фондиди тўлдириш, шу жумладан фондни кодекслар, қонунлар, шарҳлар, ахборотномалар ва бошқа ҳуқуқий нашрлар билан жамлаш;

ходимларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш тадбирларини ташкил этиш; ички ишлар органлари фаолиятига тегишли қонунчиликни тарғиб қилиш ишларини амалга ошириш;

давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек фуқаролар билан низолар вужудга келганда, мустақил ёки бошқа соҳавий тузилмалар билан биргаликда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўриш;

белгиланган тартибда шартномалар тузиш ҳамда уларни бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этишни таъминлаш;

Марказ ва бўйсунувидаги муассасаларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аҳволини ўрганиш, уларнинг миқдорини камайтириш чораларини кўриш;

Марказ ва бўйсунувидаги муассасалар фаолиятида ҳуқуқни қўллашга оид муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

жазони ижро этиш муассасаларида жиноий жазоларни ижро этиш ва тергов ҳибсхоналарида қамоққа олинган шахсларни сақлашни мувофиқлаштириш соҳасида:

маҳкумлар ва қамоққа олинган шахслар томонидан жазони ижро этиш, қамоқда сақлашнинг белгиланган тартибига риоя этилишини таъминлаш ва назорат қилиш;

судларнинг, шунингдек иш юритувида жиноят иши бўлган бошқа органларнинг тегишли ҳукм, ажрим ва қарорларини аниқ ва сўзсиз ижро этилиши устидан назорат ишларини мувофиқлаштириш;

маҳкумларни жазони ўташ учун ўз вақтида юборилиши, уларнинг жойлаштирилиши, шунингдек маҳкумлар ва қамоққа олинган шахсларнинг белгиланган тартибда бир жазони ижро этиш муассасаси ва тергов ҳибсхонасидан бошқасига кўчирилиши устидан назорат қилиш;

суд ва тергов органларининг талабномалари асосида маҳкумлар ва қамоққа олинган шахсларнинг ўз вақтида юборилишини назорат қилиш;

амнистия ва афв этиш тўғрисидаги ҳужжатлар ўз вақтида ижро этилишини ташкил этиш;

маҳкумларнинг ва қамоққа олинган шахсларнинг ажратиб қўйилиши, қўриқланиши ва назорат қилинишини таъминлаш;



бўйсунувидаги муассасаларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида маҳкумларни меҳнатга жалб этадиган ташкилотлар объектларини назорат қилишнинг замонавий муҳандислик-техник воситаларидан фойдаланган ҳолда лозим даражада қўриқланишини назорат қилиш;

бўйсунувидаги муассасалар ҳудудларида бўлган маҳкумлар ва қамоққа олинган шахсларнинг, шунингдек ходимлар (ишчи ва хизматчилар) ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш.

маҳкумлар ва қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўйбга чиқариш ҳамда мажбуриятларини адо этишни ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш соҳасида:

бўйсунувидаги муассасаларда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни таъминлаш;

жисмоний ва юридик шахслар, бўйсунувидаги муассасалар ходимлари, маҳкумлар ва қамоққа олинган шахсларнинг ариза, таклиф ва шикоятларини белгиланган тартибда кўриб чиқилишини таъминлаш;

бўйсунувидаги муассасаларда белгиланган нормаларга мувофиқ сақлаш шароитининг яратилганлиги ва унга риоя қилинишини назорат қилиш;

маҳкумлар ва қамоққа олинган шахсларнинг моддий-маиший таъминотини ва уларга тиббий хизмат кўрсатилишини самарали ташкил этилиши, шунингдек, маҳкумларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашни амалга оширилиши устидан назорат қилиш;

ЖИЭД билан биргаликда маҳкумларга масофали видео-учрашув ташкил этиш имкониятини назарда тутган ҳолда ҳимояланган алоқа канали орқали видеоконференция тизими жорий этилишини ташкиллаштириш.

Маҳкумларни тарбиялаш, уларга касб-ҳунар ўргатиш, психологик, ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда ахлоқан тузалишини таъминлаш борасидаги фаолиятни ташкил этиш соҳасида:

маҳкумларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, миллий ғоя ва Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, маънавий баркамол, мустақил фикр ва кенг дунёқарашга эга шахс сифатида камол топтириш юзасидан тадбирларни амалга ошириш;

маҳкумларнинг билим савиясини оширишга қаратилган тарбиявий-профилактик ва тушунтириш ишларини мувофиқлаштириш, мамлакатимизда турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини маҳкумларга етказиш ва уларда бу борада дахлдорлик ҳиссини шакллантиришни таъминлаш;

маҳкумлар жазодан озод этилганидан сўнг жамиятга мослашиши учун давлат сиёсати доирасида имтиёз ва имкониятлардан фойдаланиши, меҳнат бозорида



юқори талабга эга мутахассисликларни эгаллаш имкониятини яратиш бўйича чораларни кўриш;

маҳкумлар ва қамоққа олинган шахслар билан олиб борилаётган тарбиявий-профилактик тадбирларга ва маҳкумларни ахлоқан тузатиш жараёнига ваколатли давлат органлари, жамоатчилик ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ва диний ташкилотлар вакиллари жалб этиш;

тарбиявий, ижтимоий ва психологик ишларни ташкил этиш бўйича илғор тажрибалардан фойдаланиш;

давлат таълим стандартлари доирасида таълим олаётган маҳкумларни юқори савиядаги билим олиши ва касбий тайёргарликдан ўтишини таъминлайдиган умумий ўрта ва касб-хунар таълимини ташкил этиш, бу борада мутасадди органлар билан ҳамкорликни таъминлаш;

ўқув жараёнига замонавий инновацион педагогик технологияларни жорий этишни ҳисобга олган ҳолда бўйсунувидаги муассасалардаги таълим муассасаларининг фаолиятини, хунарга эга бўлмаган маҳкумларни, биринчи навбатда вояга етмаганларни касбий тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

маҳкумларнинг муаммоларини мунтазам равишда ўрганиб бориш, уларнинг оиласидаги ижтимоий ва моддий муаммоларини ҳал этишда ҳудудий давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш каби функциялар.

Таъкидлаш жоизки, бевосита Марказларнинг жазо муддатини ўтаётган маҳкумларни тарбиялаш ва озодликка чиқишга тайёрлаш, республикада амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий воқеалардан хабардор қилиш мақсадида фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилиб, 10 та меморандум имзоланди.

Дин ишлари қўмитаси, Маданият вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, “Нуроний” жамғармаси, Ёшлар агентлиги билан (20.04.2020й.);

Нотариал палата билан (25.05.2021й.);

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) билан (14.06.2021й.);

Ўзбекистон психологлар ассоциацияси билан (21.06.2021й.);

Тошкент давлат иқтисодиёт университети билан (09.12.2021й.);

Жиззах вилояти “Истиқлол Авлоди” маркази ва Республика “Истиқболли Авлод” маркази билан (10.01.2022й.);

Республика Маънавият ва маърифат маркази билан (05.09.2022й.);

Тошкент шаҳар Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази билан (27.10.2022й.);

“Шарқ аёли” халқаро аёллар жамоат фонди билан (30.12.2022й.);

Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги билан (01.03.2024й.).





Бўйсунувидаги жазони ижро этиш муассасаларининг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини ошириш орқали маҳқумларнинг бандлигини таъминлаш соҳасида:

жазони ижро этиш муассасаларида ишлаб чиқариш ҳамда қишлоқ хўжалиги фаолиятини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш, замонавий маркетинг усулларини жорий этиш;

ишлаб чиқарилган маҳсулотларни оммалаштириш ва уларни бозорга киритиш чораларини кўриш ҳамда бу борада давлат ва хусусий шериклик механизмларини жорий этиш;

ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини ривожлантириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан, шу жумладан уларнинг фаолиятини асосий кўрсаткичлар натижаси бўйича кунлик таҳлил қилиш;

бошқа хўжалик субъектлари билан ҳамкорликдаги фаолиятини мақсадга мувофиқлигини инобатга олган ҳолда ЖИЭДга таклифлар киритиш каби функциялар.

Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ходимларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг самарали тизимини ташкил этиш соҳасида:

кадрларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тўғрисида ЖИЭДга таклифлар киритиш;

жанговар ва жисмоний тайёргарлиги ҳамда профессионал даражасини ошириш, шунингдек, маънавий-маърифий ишлар соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш;

шахсий таркибнинг сафарбарлик тайёргарлигини ошириш, фавқулодда вазиятларда куч ва воситаларнинг ҳаракатланиши учун шайлик даражаси устидан назорат олиб бориш;

ходимлар ўртасида ўз ваколатларини суистеъмол қилиш ва бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилишини олдини олиш ва бартараф этиш бўйича тадбирларни амалга ошириш, хизмат вазифаларини лозим даражада бажариш, одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий амал қилинишини таъминлаш каби функциялар.

Марказ ҳамда бўйсунувидаги муассасаларнинг моддий-техник, молиявий ва ижтимоий-маиший жиҳатдан таъминлаш соҳасида:

манфаатдор хизматлар билан ҳамкорликда режалаштирилаётган давр учун Давлат бюджетидан ажратилиши зарур бўлган маблағларни аниқлаш;

Давлат бюджети лойиҳасига ЖИЭДнинг харажатларини молиялаштириш бўйича бюджет таснифининг бўлимлари ва моддаларига асослантирилган таклифлар киритиш;

Марказда тасдиқланган сметадан ортиқ, қўшимча пул маблағларини ажратиш бўйича сўровномалар тайёрлаш;



Марказ ходимларининг иш ҳақи, ижтимоий тўловлар, хизмат сафари ва бошқа харажатларни ҳисоблаш ва тўлаш каби функциялар.

Низомга асосан Марказлар ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга оширишда ваколатига кирадиган масалалар бўйича бўйсунувидаги муассасалардан ахборот, статистик ва бошқа материалларни сўраш ва олиш, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш масалалари бўйича ЖИЭДга таклифлар киритиш, тегишли давлат органлари ва жамоат ташкилотлари вакиллари тарбиявий-профилактика тадбирларига, маҳкумларни ижтимоий реабилитация ва мослашувига ўрнатилган тартибда жалб этиш каби ҳуқуқларига эга.

Шу билан бирга Марказларга маҳкумлар ва қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ҳамда мажбуриятларини адо этиш бўйича ўз ваколатлари доирасида зарур чораларни кўриш, судларнинг, шунингдек, иш юритувида жиноят иши бўлган бошқа органларнинг тегишли ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари асосида озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жазоларни ижро этиш, қамоққа олинган шахсларни сақлаш, бўйсунувидаги муассасаларнинг фаолияти бўйича зарур маълумотларни тайёрлаш ва ЖИЭД раҳбариятига тақдим этиш каби мажбуриятлар юклатилган.

Шундай қилиб, минтақавий мувофиқлаштириш марказларига бўйсунувидаги муассасаларнинг фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш, текшириш ва назорат қилиш, амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш, жиноий жазоларни ижро этиш, маҳкумлар ва қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш, маҳкумларни тарбиялаш, уларга касб-ҳунар ўргатиш, ахлоқан тузалишини таъминлаш борасидаги фаолиятни ташкил этиш, шунингдек кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ходимларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг самарали тизимини ташкил этиш бўйича жазони ижро этиш департаментининг мустақил таркибий тузилмаси деб таъриф бериш мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон, <https://lex.uz/docs/5344118>.



2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5050-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.04.2021 й., 07/21/5050/0280-сон,

3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Жилд II. Е-М // Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.: ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. Б.406.

4. Шакирова Д.М., Координация как функция управления // Журнал: Вопросы студенческой науки, Выпуск №6 (46), июнь 2020, С.200-203, <https://cyberleninka.ru/article/n/koordinatsiya-kak-funktsiya-upravleniya>.